

**НАВРЎЗИ ОЛАМ КЕЛДИ
(ДИЛ ИСХОРИ)**

*Димоққа ялпизлар нафаси урар,
Юракда муаттар чечаклар кулар,
Бир сулув келинчак саломга келар –
Остонага бош ур, азиз меҳмоним!
Наврўзинг муборак, Ўзбекистоним!*

Истиқлолнинг ушбу навбатдаги баҳори ҳам ўзининг кумушранг канотларида байрамларга бой элимизга Наврўзи оламини-Янги кунни, Янги йилни ва албатта Яхши кунни олиб келмоқда.

*Тилайман гулларнинг ифторларини,
Салобатли тоғлар виқорларини,
Унутинг дунёнинг зуборларини,
Навўуз айёмингиз муборак дўстлар!.*

Неча асрлардан буён ота-боболаримиз интизорлик билан кутиб олган бу қутлуғ айём биз учун нақадар қадрдон, ҳаётбахш ва дилларимизга яқинлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Эзгуликнинг умрбоқийлиги, уни на замон эврилишлари, на давр довуллари, на-да кўнгли қора ва нияти бузук касларнинг маҳв этолмаслигига Наврўзи олашимиз яққол мисолдир.

Тарихдан маълумки, жаҳонни жомдек қўлига олишни истаган юнонлар ҳам, босқинчиликни бош мақсад деб билган мўғуллар ҳам, собиқ тузум даврида бу байрамни диний хурофот, эскилик сарқити деб атаганлар ҳам- Шарқ халқларининг жонажон байрами- халқимизнинг севимли Наврўзини йўқ қила олмаганлар.

Зеро, ҳурматли Юртбошимиз ўз асарларида таъкидлаб ўтганларидек:

*«Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур.
Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган.*

Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз-шу хазинани куз корачигимиздек асраш ва янада бойитиш».

Ха, шундай бебахо байрамимизни шундай вақт келдики, айирмокчи булдилар, уни биздан тортиб олиб йукотмокчи булдилар. Аждодлардан мерос колган бу буюк кадриятимиз, суюк Наврузимиз элимизнинг танти, хакпарвар ва адолатпарвар, одил ва мард инсонларининг аклу тафаккурлари туфайли, мардона курашлари эвазига Яна бизга кайтди! Ва биз ундан шундай кечирим сурадик ва кузларимизга суриб, этакларини упдик:

***Сен бизни кечиргин, эй Наврузимиз,
Гафлатдан чалгиди кай кун кузимиз?
Юзингга шапалок тортиб юбордик,
Шур пахта босамиз энди узимиз...***

Багри кенг Наврузимиз эса бизни этакларида олиб келган гул-лолалари, бинафшалари билан сийлади, куртакларни юзини очди...

Ха, бу шундай яшариш ва покланиш фасли, бу кунлар кутлуг кунлар, сурурли кунлар. Бу байрамнинг хар бир они табаррук, хар бир они азиз ва танкис. Мана бугун хам бахорнинг, Наврузнинг сулим нафаси, майин эпкинлари юртимизда кезиб юрмокда. Барчанинг дилида Янги кунлар, яхши кунлар умиди. Мустакиллимизнинг ун саккиз йилигидаги Навруз- унинг минг йиллигида хам ушандай навкирон, ана ушандай кадимий ва настарин ифоридек хушбуй, бойчечак кулгусидек бегубор, файзли!.

Чунки Навруз-биз учун, аввало, энг кадимий, асл миллий, гоят ардокли байрам. Гулу чечак ифоридай хушбуй, сумалакдай тотли, Хумо куши канотида олиб юриб, уни биз учун, бизнинг халкимиз учун ардоглаб юриб, бизга илинган таровати мул, этаклари гул айёмдир.

Навруз- биз учун узаро бахор ва уйғониш, яшариш ва янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.

Навруз-биз учун узаро меҳр-окибат, кадр-киммат, хайру саховат ва узликни англаш рамзидир.

Аввало, табиат уйғонаётган, Навруз рухи, Навруз муъжизаси намоён булаётган шу ёруг кунларга эсон-омон етказгани учун яратганимизга шукроналар айтмоғимиз лозим.

Мана шундай шукухли дамларда хар кайси инсон табиатдан бахра олиб, оламга багрини кенг очиб, уз калбидаги энг эзгу туйгу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чикариш, хаётга, ота-онаси, дусту биродарларига булган меҳру мухаббатини изхор этишга интилади.

*Бу яшил оламга узингбер тузим,
Шафтоли гулидай ёришар юзим.
Ок бодом гулини уганинг ростми?
Келганлигинг чинми, кадим Наврузим?!.*

АЗИЗ ЮРТДОШИМ!

Сиз хам уйғониш фаслида, Навруз айёми арафасида бир олам ёруг уй-хаёллар билан яшаётганингиз, кимнингдир кунглини олиш учун, кимдандир узр сурамок учун, якинларингизни кутлаш, муборакбод этиш учун имкон кутаётганингиз аник.

Жамиятимиз тараккиёти, юртимиз равнаки, Эл ва оилангиз фаровонлиги йулида килаётган эзгу ишларингиз бароридан келсин!. Бахор калбингизга гузаллик, янгиликларга тула кайфият олиб келсин!.

Биз хамиша Мустакил Ватанимизда тинчлик, фаровонлик ҳукм суришига, халкимизга доимо байрамлар шукухи ёр булишига, шу азиз юртга ҳасад кузини тикканларнинг бад ниятлари ҳеч қачон амалга ошмаслигига қатъий ишонч ва мустаҳкам ирода ила қарамоғимиз лозим

*Кузларга сурайлик Наврузимизни,
Тилайлик Аллохдан ризк-рузимизни.
Табриклаб қуяйлик уз-узимизни-
Навруз айёмингиз муборак дустлар!.*

Янгиликлар, яхшиликлар, гузаллик айёми-Навруз барчамизга кутлуг булсин. Аввало юртимиз тинч, халкимиз ОМОН булсин. Йилимиз кутлуг келиб, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тулсин. Унгу сулимизда нуру ва баракотлар ёгилсин!.

Шу Она тупрокни, азиз Ватанимизни Аллох узи кулласин, ёмон кузлардан асрасин!. Бу юртнинг пахлавонлари хамиша юқини елкасига олсин, бу юрт сулувларининг қошидан усма, кузидан сурмаси аримасин. Оналар тилида алла, ҳофизлари тилидан ялла тинмасин.

Дуогуй онахон-отахонларимизнинг нуроний чехралари доимо давраларимизга файз қушсин!. Юртимиз боғларидан Бахор, баҳорга ошуфта диллардан эса ишк ва изхор кетмасин!

Навруз айёми барчага баробар булсин, азиз юртдошлар!

*Кизгалдок баргидек учар дилдан гам,
Тошкинлар киради калбимга маним.
Бахоринг муборак булсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон-дилбар Ватаним!.*

Гулчехра Шахобиддин кизи